

АГНКС ускуналарини жорий капитал ремонт қилинаётганда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» ни уч суткадан кечикмай, капитал ремонтда эса иш бошланишидан камида 15 кун огоҳлантириш лозим.

11. «Таъминотчи» куйидагиларга ҳақлидир:

- а) автомобилнинг газ ускуналаридан фойдаланиш, ўлчов-назорат асбоблари ва тўғрилигини текшириш.
- б) сиқилган газда юрадиган автомобилни бошқариш учун ҳайдовчининг хужжати мавжудлигини текшириш.
- в) «Истеъмолчи» томонидан ўрнатилган қоида, тўлдириш чекловлари ва ушбу шартнома шартларини бажармаган пайтда автомобилга сиқилган газ тўлдириб бермаслик.

### 3. ГАЗНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

12. «Истеъмолчи» га жўнатиладиган сиқилган табиий газ миқдори «Таъминотчи» ускуналари ёрдамида «Ўзбекнефтгаз» томонидан 28.11.95 йилда «Жўнатиладиган АГНКС газининг миқдорини ўлчаш услублари ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг 51-034-94 қарори ва «Истеъмолчи» билан ҳисоблашишда АГНКС сиқилган газ ҳисоблаш кўлланмаси (12.04.96 й) асосида тасдиқланган газ тўлдириш компрессор станциясида тўлдириладиган автомобилларга жўнатиладиган газ ҳажмини аниқлаш таблицасига мувофиқ ўлчанади.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. Ушбу шартномада юқорида ўрнатилган газ ҳажмини саралаш кўшимча келишувда расмийлаштирилади. Бир йил давомида сиқилган газнинг маълум қисмини ажратмаганлик учун «Истеъмолчи» ушбу газ ҳажми нархининг 5 % ҳажмида жарима тўлайди (31.12.2022 й гача).

14. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» куйидаги ҳолларда газни бериш ва олишни камайтиришлари мумкин:

- а) магистрал газ қувурларида, шаҳар газ ва электр тармоқларида, олдиндан билиш мумкин бўлмаган шароитларда юзага келган аварияларда;
- б) ёнғин, зилзила, сув тошқини ва бошқа даврий фалокатларда;
- в) магистрал газ қувурлари, шаҳар газ ва электр тармоқларининг навбатдаги таъмирлаш ишлари пайвандлаш ишлари вақтида.

15. СТГ ни тўлаш мажбуриятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида томонлар кўшимча, яъни қарздорнинг мулкни гаровга ушлаб туриш бўйича, ёки «Таъминотчи», «Истеъмолчи» дан кафолат мажбуриятининг расмийлаштирилган кўринишини ёки нотариал идорада тасдиқланган хужжатни талаб қилиши ҳақидаги кўшимча шартнома тузишлари мумкин.

16. Ушбу шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

### 5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17. Ушбу шартнома томонлар имзолаган пайдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

18. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Таъминотчи» да, яна бир нусхаси эса «Истеъмолчи» да бўлади.

Ушбу шартномада кўрсатилмаган масалалар бўйича томонлар «Истеъмолчи» ларга газни магистрал газ қувурлари орқали етказиб бериш ва «Автотранспорт воситаларини сиқилган газ тўлдиришга жўнатиш тартиблари» қонунларига мувофиқ қиладилар.

19. Ушбу шартнома борасида мунозарали баҳслар, шартнома бажарилиш пайтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқда ўрнатилган тартибда хўжалик судларида кўриб чиқилади.

Шартномага илова:

- а) ИПХ дан рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг сони ва маркаси кўрсатилган газдан фойдаланиш ҳисоби.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ЯНГИ-МЕТАН-ГАЗ» МЧЖ  
Янгиер шаҳар Пахтакор кўчаси.  
х/р 2020 8000 5010 3853 7001  
Янгиер АТБ Кишлоқ Қурилиш Банк  
МФО: 00909 ИНН: 306 187 435 ОКНХ  
Тел: +99897-278-40-44  
Ж. Тожикулов



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Ободолессетиричи Бешарқдаги  
Ковчо е. Муллаев Ковчо е. Ковчо е. Ковчо е.  
1000 228 602 42 350 65 200 10001  
1111 206 946 284 Оқонх: 90290  
Ковчо е. Ковчо е. Ковчо е. Ковчо е.  
22402000 300 10000 1010  
Марқулий Банк 0004  
Тел:   
Ф. Пересетов

